# Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг давоми

(Боши иккинчи бетда)

Бу ерда СССР Фанлар академиясининг президенти ўртоқ Несмеянов сўзга чиқди. У, яхши нутқ сўзлади ва илмий муассасаларнинг ишларини яхшироқ таъминлаш кераклиги ҳақида тўғри гапларни айтди. Фанлар академиясининг ишини ҳам қайта қуриш пайти келганга ўхшайди. Ўртоқ Несмеяновни олиб қаранг, у ўзи яхши коммунист ва яхши олим. Лекин Фанлар академиясининг қарамоғида бениҳоя кўп турли ташкилотлар ва муассасалар борлиги назарда тутиладиган бўлса, бундай шароитда Фанлар академиясининг президенти шуларнинг ҳаммасига раҳбарлик қилишга қодир бўла оладими? Буқадар қудратли бўлиш мумкин эмас. Фанлар академиясининг баъзи илмий муассасаларида қийин аҳвол вужудга келди, деб ўйлайман. Айрим олимлар менинг фикримга қўшилмасликлари мумкин, лекин металлургия, кўмир саноати масалалари Фанлар академиясига топшириб қўйилганлигини оқилона иш эмас, деб ҳисоблайман. Ахир, илгари Фанлар академиясида бу тармоқлар бўлмаган эди-ку.

Ажойиб инженер ва йирик олим ўртоқ Бардин Кузнецк комбинатини қурган эди. Энди уни академияга ўтқизиб қўйишди. У ҳам Москвада тегишли институт қуриб берилишини тўғри талаб қила бошлади. Кўмир соҳасида йирик мутахассис бўлган академик Шевяковга нисбатан ҳам тахминан шундай қилинди. Мен ўртоқ Шевяковни яхши биламан. Мен Юзовкадаги рабфакда ўқиган вақтимда, у, студентларга лекция ўқир эди, бундан олдин у, Днепропетровскда ишлар эди, ҳозир бўлса, Москвада яшамоқда.

Хўш, ўртоқлар, фан Москвадагига қараганда Свердловскда, Сталинода ёки Днепропетровскда ёмон ривожланиши мумкинми? Бундай деб ўйлаш нотўғри. Қаердаки ҳаёт бўлса, шу ерда фан ҳам бор. Ҳаётни фандан ва фанни ҳаётдан ажратиб бўлмайди. Хўш, нима қилиш керак? Институтларни кўчириш йўлини тутиш мумкин. Лекин, ўртоқлар, институтларни кўчириш эски уйни бошқа жойга олиб бориб, ўрнатиш каби бир иш эканлигини, кўпинча бундай қилиш жуда қийин эканлигини ўзларингиз биласиз. Бундан ташқари тажриба шуни кўрсатиб турибдики, олимларни бошқа шаҳарга кўчириш ҳар хил проблемалар билан боғланган ишдир.

Яхшиси бошқача йўл билан бориш керак. Заводлар, фабрикалар ҳузурида лабораториялар очайлик, Халқ хўжалиги кенгашлари ҳузурида илмий институтлар ва бошқа илмий марказлар ташкил этайлик, бу ишларга тажрибали, машҳур олимлар билан бир қаторда, ёшлардан кўпроқ кўтариб қўяйлик. Бу масалаларни, ўртоқлар, обдон ўйлаб кўриб, ўз таклифларингизни киритингиз. Бу йўл тўғри йўл бўлади, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Академик Лаврентьев ажойиб ишлар қилмоқда. У, бошқа олимлар билан бирга Новосибирскка кўчиб кетди. Ҳозир Новосибирскда янги илмий марказ вужудга келтирилмоқда. Мен академик Лаврентьевни кўп йиллардан бери биламан. У яхши олим.

Фанни олға силжитишга, ўз меҳнати билан ишлаб чиқаришга ёрдам кўрсатишга лаёқатли бўлган кишиларни танлаб олиб, илмий марказларга юбориш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Кўпинча бунга эътибор берилмаётир. Маълумки, масалан, Новосибирскда генетика ва цитология институти қурилмоқда. Мичурин назариясига қарши бўлган биолог Дубинин шу институтга директор қилиб тайинланибди. Бу олимнинг қилган ишлари фанга ва практикага жуда кам фойда етказган. Дубининнинг номини чиқарган бирор нарса бўлса, бу — унинг академик Лисенконинг назарий қоидаларига ва амалий тавсияларига қарши ёзган мақолалари ва сўзлаган нутқларидан бошқа нарса эмас.

Бу олимларнинг ишларида тутилган йўлнинг қайсиси тўғри эканлигини айтиб бермоқчи эмасман. Маълумки, буни практика, турмушнинг ўзи айтиб беради. Практика эса, Мичурин биология мактабини ва унинг ишларини давом эттирувчи академик Лисенконинг ишларини ёқловчи далилларни бермоқда. Масалан, Ленин мукофотларини олиб кўринг. Селекция учун Ленин мукофотларини кимлар олди: биологиядаги материалистик оқим тарафдори бўлган Тимирязев мактабининг, Мичурин мактабининг, Лисенко мактабининг олимлари олди. Лисенконинг мичуринча қарашларига қарши курашнинг асосий ташкилотчиларидан бўлган биолог Дубининнинг кўзга кўринган ишлари борми? Модомики, у, Москвада ишлаганида, тузук фойда етказмаган экан, унинг Новосибирскда ёки Владивостокда ишлаб, бирор фойда етказиши маҳол гап.

Совет олимларининг халқ олдида қилган катта хизматлари бор. Турмуш фан олдига янги вазифалар қўймоқда. Шу сабабли, бундан буён ҳам фанни ривожлантиришга, фаннинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор бериш лозим. Биз СССР Фанлар академиясидан, унинг президиумидан академиянинг, академия бўлимлари, филиаллари ва институтларининг фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқишларини илтимос қиламиз.

## Исрофгарчиликка, бўшангликка қарши зўр бериб курашайлик, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига эришайлик

Ўртоқлар! Маҳсулот сифатини ошириш масаласи алоҳида эътибор беришга арзийдиган масаладир. Баъзи машиналаримизнинг сифати тўғрисида ёзилган бир хатни ўқиб бермоқчиман. Бу хатни партия Марказий Комитетига инженер Антиликаторов юборибди. Хатда бундай дейилади:

«Сизларга шуни маълум қиламанки, маккажўхори экинларини парвариш қилишни комплекс механизациялаш учун юборилган машиналар комплектида қуйидаги нуқсонлар топилди:

Кировограддаги «Красная звезда» заводи чиқарган осма сеялканинг камчиликлари. Сеялка рамасининг асосий оғирлик тушадиган чап учи шунчалик эгилган (буралиб кетган) ки, чапки секция вертикал текислик бўйича қийшайиб букилган. Олд тугун илгич орқа тугун илгичдан 10 сантиметр пасайиб кетган. (Орасига қистирма қўйдим). Синхронизация қилувчи автоматларнинг оралиқлари созланмаган. (Эговлаб тўғриладим). Кривошип қулоқлари билан синхронлаштирувчи автоматларнинг роликлари турлича узунликда бўлиб, экувчи аппаратларни бир хил вақтда ишга туширмасди. (3-5 миллиметр эговлаб баравар қилдим). Клапанларнинг тортқилари резьбали узун учга эга бўлганлигидан тегишинча созлашга имкон бермайди. (Клапанларнинг бешта тортқисини 1,5 сантиметрдан қисқартирдим ва резьба чиқардим). Клапанларнинг 4 та пружинаси йўқ эди. (Янгиларини қўйдим). Бир сўқачадаги клапанларнинг жилди эзилган бўлиб, битта шплиндга қўйилган эди. (Тўғрилаб қўйдим). Аппаратларнинг шестернялари белгисига қараб қўйилмаган. (Техника қоидаларига кўра ўрнатдим). Перекидной клапанларнинг очилиб ёпилиши бир вақтга тўғри келмас эди. (Клапанларни эгиб, муштчали ўйиғини эговладим). Экувчи аппаратлардаги дон ташлагич тишлар ўқ шарнирларида ёнига ортиқча лиқиллайди. (Созладим ва ўқларни эгдим). Режа симини ўзи бўшатадиган қозиқларнинг храповой ғилдираклари тишлари қўпол қўйилган; храповой собачканинг тиши ёмон чиқарилган: храповой ғилдиракларнинг ён деворлари таяниш шчекасига тегиб уни тимдалар эди; тормоз барабанининг ўқи квадрат қилиб фрезерланадиган жойи ўрнида қуйма бўртикка эга эди. (Режа симини ўзи бўшатадиган қозиқларнинг барча деталларини эговлаб созладим).

Минск трактор заводи чиқарган «МТЗ-5 Л» тракторининг камчиликлари:

Трансмиссия редукторини тез юргизадиган узатмага қўшиб бўлмасди. (Узатмалар қутиси қопқоғини очиб блокловчи механизм фиксаторини едирилмайдиган қилишга мажбур бўлдим).

Ёнилғи насосига қадар акселаратор тортқиси катта (ортиқча) оборотларга созланган. (Тегишли оборотларга мослаб созладим). Радиатор жалюзисининг тортқиси эгилиб кетган. (Тўғриладим). Сув насоси салънигининг гайкаси резьбанинг атиги 3 та чизиғигагина бураб қўйилган бўлиб, у ердан сув томчиларди. (Гайкани резьбанинг охирига қадар бураб киргиздим).

Ҳамма машиналар олдинма-кетин келиб комплекти бузилган эди.

Трактор ва сеялка эндиликда тўла созланди, обкатка қилинди ва ишга туширилди.

1959 йил, 22 май.

Инженер-механик
**АНТИЛИКАТОРОВ».**

Мана шундай хабарлар келаяпти, ўртоқлар! Буни қандай ҳодиса деса бўлади? Қани айтинг-чи, украиналик ўртоқлар, буни техникадаги қолоқлик деб бўладими?

Йўқ, бу — ландавурлик, масъулиятсизлик, иш манфаатларини бутунлай унутиб қўйишдир.

Сизлардан кечирим сўраб, шуни айтишим керакки, баъзи ўртоқлар, Хрушчев ҳаддан ташқари қаттиқ, қўпол гапиради, деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, бу қўполлик эмас! Бу талабчанликдир, чунки бунақа ёмон иш аслини олганда, давлатимизнинг обрўсини тўкади.

Ўртоқлар! Менингча, машиналар бут қилиб етказиб бериладиган бўлиши, юқори сифатли бўлиши учун машиналар ишлаб чиқарилиши устидан қаттиқ контроль қўйишимиз керак. Ҳар бир машинанинг паспорти бўлиши, унинг деталларини кимлар ишлаб чиқарганлиги, кимлар текширганлиги, машинани жўнатиш паспортига ким қўл қўйганлиги маълум бўлиб турсин. Кимки, бут бўлмаган ёки чала ишланган, ёки брак қилинган маҳсулот чиқарадиган бўлса, уни жуда қаттиқ жазолаш керак, қасддан брак қилувчиларни эса суд қилиш керак.

«Красная звезда» заводи, эҳтимол мукофот ҳам олгандир? Биз «Красная звезда»ни мақтаган эдик. Бу гаплар фақат «Красная звезда»гагина тааллуқли гаплар эмас. Брак маҳсулот чиқарувчиларга қарши кураш очиш керак. Бизга юқори сифатли машиналар, юқори даражали маҳсулот керак. Ахир, биз ўзимизга ишлаётирмиз-ку. Маҳсулотни чет элларга, ҳатто, капиталистлар учун етказиб бераётганимизда ҳам, ёмон нарсаларни юбориш ярамайди, чунки заказчи бизга рекламация юборади, унга янги деталлар юборишга, бунинг учун қўшимча харажатлар қилишга тўғри келади. Ўртоқлар зарур чораларнинг ҳаммасини кўриб, маҳсулот сифатини тартибга солишлари лозим. Қонунлар билан ҳисоблашмаётган кишиларга қарши қатъий чоралар кўриш керак, деб ўйлайман.

Ускуналарни янгилашга кўпроқ эътибор бериш керак. Мен СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдим, бу виставкада машиналар ва механизмларнинг энг яхши намуналари, энг яхши экспонатлар тўпланган. Техникани тараққий эттириш масалалари Марказий Комитет Пленумида муҳокама қилинаётганлиги муносабати билан шу виставкада махсус павильон ташкил қилиб, унга ҳали ҳам бизнинг баъзи корхоналаримизда ишланаётган ва эскириб қолган ускуналарнинг намуналари қўйилди. Бу намуналарни кўрганингизда, ўртоқлар, қутингиз учиб, юрагингиз ёрилиб кетади. Аммо, виставкада кўрсатиб қўйилган шу ёмон, алмисоқдан қолган станоклар ва механизмлар бизнинг заводларимизда ясалган, бу заводларда коммунистлар ҳам ишлайди. Шу заводларнинг партия ташкилотлари талай-талай яхши резолюциялар қабул қилган бўлсалар керак, бу резолюциялар кишини қувонтиради-ю, лекин ишлаб чиқаришдаги ишни кўрганингизда юрагингиз ачишади.

Агар биз мана шу тахлитда ишлай берадиган бўлсак, беҳуда жуда кўп тер тўкишга тўғри келади, аммо, ишимизни қайта қуриб шу машиналарни алмаштириб олсак, бизнинг олдимизда нақадар катта имкониятлар очилади! Баъзи машиналар шуқадар эскириб қолганки, уларни ҳозирги машиналарнинг катта бувиси деса бўлади. Машиналарни янгилашнинг қандайдир системасини ўйлаб топиш керакка ўхшайди. Ҳозирча бизда бундай система йўқ.

Янги тузилган Автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитети бу проблема билан алоҳида шуғулланиши лозим. Лекин ёлғиз отнинг чанги чиқмайди, чанги чиқса ҳам донғи чиқмайди, деган гап бор. Заводдан Халқ хўжалиги кенгашигача, Госплан ва Министрлар Советигача ҳамма нарсаларни ўз ичига оладиган жуда мунтазам система бўлиши керак.

Ўртоқлар! Ҳозир бутун масала шундаки, олға бораётган ҳаракатимизда қадамларимизни жадаллаштиришимиз лозим, чунки бу жадал қадамлар бизни коммунизмга олиб боради. Семён Михайлович Будённий буни яхши билади: кавалерияда — походга отланиш пайти келганда, отларни тақалаш керак, акс ҳолда, отлар тойиб кета беради, деган гап бор. Биз отларни яхши тақалаб олишимиз керак, чунки янги ускуналар бамисоли бизнинг отимиздир. Олимлар, ихтирочилар, рационализаторлар, ишчиларнинг ақлини ишга солиб, эскириб қолган ускуналарни янгилари билан тезроқ алмаштириш керак. Биз бу ишнинг кетидан қолмаймиз, энди Пленумдан сўнг бу ишга тағин ҳам конкретроқ киришамиз. Эҳтимолки, Халқ хўжалиги кенгашлари бўйича кенгашлар ўтказиш лозим бўлиб қолса керак, Халқ хўжалиги кенгашларидаги бу кенгашларга Марказий Комитет Президиумининг аъзолари бориб қатнашадилар. Кўтарилган масалаларга эътиборни қаратиш керак, ана шунда биз жуда кўп иш қилишга муваффақ бўламиз. Биз Космосга ракета учириб юбордик, наҳотки машинасозликдаги камчиликларни тез йўқотолмаймиз.

Бу гаплар қурилишга ҳам тааллуқлидир. Ўртоқ Кучеренко бу ерда сўзга чиқиб, граждан қурилиши тўғрисида жуда кўп яхши гапларни айтиб берди. Саноат қурилишида ҳали ҳам жиддий нуқсонлар бор. Саноат корхоналарининг лойиҳаларини тузаётган кишиларни ва бинокорларни қаттиқ уялтиришга тўғри келади, чунки уларнинг айби билан бизда заводларнинг типлари шуқадар кўпайиб кетганки, буни кўриб ҳайрон бўласан ,киши. Иморатларнинг типлари ҳам шундай. Лойиҳалар жуда кўп, лекин сиз шу лойиҳаларга синчиклаб қарасангиз, кўпинча бир лойиҳа иккинчи лойиҳадан панжара гулчинларининг оз-кўплиги билан фарқ қилади. Хўш, одамга нима керак: одам яшайдиган уйнинг хоналари қулай бўлсин, ошхонаси, бошқа бинолари яхши жойлаштирилган бўлсин. Ҳар бир киши иморат лойиҳасининг фазилатларига ана шу нуқтаи назардан қараб баҳо беради.

Қандиллар тўғрисида. Шундай бўлиб қолганки, қандилларни чиройли, уйга ҳусн бўлиш учун эмас, балки оғирроқ бўлсин деб чиқариб келдилар. Завод чиқараётган қандил қанчалик оғир бўлса, завод шу қандил учун шуқадар кўп пул олади, чунки завод маҳсулотига маҳсулот оғирлигининг ҳар бир тоннасига ҳисоблаб баҳо қўйилади. **(Залда кулги).** Шунинг учун ҳам заводлар бир неча пудли қандилларни ишлаб чиқармоқдалар, планни бажармоқдалар, аммо, бу планнинг кимга кераги бор, у кимни ёритади? Завод планни қанчалик ошириб бажарса, мисни шунчалик кўп сарфлайди, ваҳоланки, маҳсулотнинг ҳамма жойига ҳам мис керак бўла бермайди, бунинг ўрнига қора металл ва ёғоч ишлатса ҳам бўлади.

**Овоз.** Пластмасса ишлатса ҳам бўлади.

**Н. С. Хрушчев.** Мен бу ерда қора металл тўғрисидагина гапираётирман. Қора металлдан чиройлик нарсалар ясаш мумкин. Шундай нарсалар ясаш мумкинки, уни кўрган одамларнинг кўзи қувонади.

Мебель тўғрисида. Кўп истеъмолчилар бизнинг совет фабрикаларимизда ясалган мебелни сотиб олишни истамайдилар, бунинг ўрнига чет мамлакатларда ясаган мебелни қидирадилар. Нега? Чунки бу мебель анча қулайроқдир. Бизда мебель фабрикаларининг плани сўм билан ҳисоблаб тузилади. Шу сабабли, битта катта кресло ясаш фабрика учун қулайроқ бўлади, чунки бу катта кресло оғирроқ бўлади, бинобарин, нархи ҳам қиммат бўлади. Мебелчилар креслога бўлар-бўлмас нарсани ёпиштира берадилар, мана шуларнинг ҳаммаси пул талаб қилади! План номига бажарила беради, аммо, бунақа креслонинг кимга кераги бор? Агар оддий стуллар ясаладиган бўлса, планни бажариш учун бунақа стуллардан жуда кўп ишлаб чиқаришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам фабрикада кресло ясаш керакми, ёки стуллар ясаш керакми, деб ўйлайдилар. Оқибат натижада кресло ютиб чиқади, чунки креслонинг ишлаб чиқаришга фойдаси катта. Буни ҳамма тушунади, ҳамма бу тўғрида кўп гапиради-ю, барибир кресло енгиб чиқа беради.

Бизда машинасозликнинг кўпгина буюмлари вазнига қараб планлаштирилади. Шунинг учун ҳам керагига қараганда, икки баравар оғир машиналар чиқарилмоқда, бу ҳам, яъни буюм вазнининг ортиқча бўлиши планни бажаришни енгиллаштиради.

Шундай янги шартларни белгилаб қўйиш керакки, бу шартлар одамларни ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил этишга, энг яхши, ихчам намуналар ва моделларга интилишга рағбатлантирадиган бўлсин, ундайдиган бўлсин.

Яна қурилиш масалаларига ўтаман. Менга бундай деб справка беришди: маъмурий хўжалик мақсадлари учун керакли иншоотларнинг 300 та типовой лойиҳалари бор экан. Хўш, бу лойиҳаларнинг бир-биридан қандай фарқи бор? Баъзи лойиҳаларда деразалар ярим доира шаклида бўлиши, баъзиларида эса, тўғри бурчакли бўлиши керак, деб кўрсатилади. Кўп лойиҳаларнинг бир-биридан фарқи фақат мана шу! Зотан яна нималарни ўйлаб чиқариш мумкин? Бу хилдаги типовой лойиҳалар кимга ёқади? Хўжаликни оқилона бошқармоқ учун бизда ҳокимият бор, аммо, кўпинча бу ҳокимиятдан фойдалана олмаймиз. Лекин, ўртоқлар, биз ўз иродамизни ишга солиб, ҳаддан ташқари донолик қилмоқчи бўлган ишбузармандларнинг пайини қирқишимиз керак. Партия Марказий Комитетлари, область ва ўлка комитетлари, Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари қурилиш ишларига ишни кўзини билиб раҳбарлик қилишлари лозим.

Бизда уй-жой биноларини жуда тез қурмоқдалар, поток усулида қуриб битказмоқдалар, деса бўлади. Бир-бир ярим йилдан кейин уй-жой биноларини ҳам автомашиналарни йиғиб ясагандек, деталлардан йиғиб қурадиган бўлиб қоламиз, деб ўйлайман. Иморатсозлик деталларини ишлаб чиқаришнинг кассет усули ва инженер Козлов ишлаб чиққан вибропрокат муваффақиятли катта ишдир. Вибропрокатдан саноат биноларини қуришда томларни ёпиш учун ҳам, шунунгдек девор блоклари учун ҳам фойдаланиш мумкин. Вибропрокатни кенг жорий қилиш керак.

Ўртоқлар, мен яна бир масалага сизларнинг эътиборингизни тортмоқчиман. Биз бир неча юз миллион сўм сарфлаб, кимё ускуналари ва бошқа ускуналар сотиб олдик. Модомики, биз шу машиналарни сотиб олган эканмиз, шу машиналар учун олтин тўлаётган эканмиз, модомики, биз ускуналарни сотиб олаётган эканмиз, ўртоқлар, биз ўзимиз ишлаб чиқармаётган ёки ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бўлса ҳам, намуналари эскириб қолган ускуналарга қараганда, янгироқ ускуналарни сотиб олаётган эканмиз, шундай қилиш керакки, ускуна сотиб олиниши билан, уни ёткизиб қўйма, дарров ишга солиш керак. Лекин баъзан бу ускуналарни нима қилишади, денг? Кимё саноати учун бир неча юз миллион сўм сарфлаб, ускуналар сотиб олинди. Кейинги уч йил ичида чет мамлакатлардан бир неча минг ҳар хил машиналар ва асбоблар сотиб олинди.

Новокуйбишевскдаги нефтни қайта ишлаш заводида Сталиногорск заводини хомашё билан таъминлаши лозим бўлган установкани чет эллардан сотиб олинган ускуналардан қуриш кўзда тутилган эди. Бу ускуналар батамом олиниб бўлди, аммо, шу ускуналар ўрнатиладиган бино қурилмаётир. Шу сабабдан, Сталиногорск заводидаги цех ишга тушмай қолиши мумкин. Днепропетровск шина заводи учун чет мамлакатлардан сотиб олинган ускуналар ўтган йил ноябрь ойидан бери бекор ётибди. Бу ускуналар занглай бошлади, бироқ, Кимё комитети техника ҳужжатларини ишлаб чиқишни шу вақтгача тамомлагани йўқ. Техника ҳужжатларининг нима кераги бор эканлигига тушуниб бўлмайди. Бу заводни ўзининг бутун технологияси билан бирга сотиб олганмиз-ку.

Архангельск Халқ хўжалиги кенгашида 1955-1956 йилларда Котлас целлюлоза-қоғоз комбинати учун Швеция ва Финляндиядан сотиб олинган ускуналар — картон ясаб берадиган машиналар келган эди. Бу машиналарни 1961 йилнинг IV кварталидагина ишга тушириш мўлжалланмоқда! Бундай фактлар, ўртоқлар, оз эмас. Бу — қимматли ускунага жиноятқорона қарашнинг ўзгинасидир. Бунинг учун Ташқи савдо министрлиги ҳам, Госплан ҳам, Халқ хўжалиги кенгашлари ҳам айбдор. Модомики, биз чет мамлакатлардан ускуналарни сотиб олган эканмиз, бу ускуналарга керакли бинони қуриш тайёргарлигини дарров кўриш керак, тайёргарликкина кўриб қолмасдан, бинони битказиб қўйинг-да, ускуналар келиб тушиши биланоқ, дарров монтаж қилишга киришинг. Биз буни таъминлай оламизми? Албатта, таъминлай оламиз.

Йўқ, бундай қилишмайди. Ускуна сотиб олинганидан кейин, кутиб ўтира беришади. Шу ускуна олиб келингандан кейингина уни нима қилиш керак, деб ўйлашга киришадилар. Такрор айтаманки, бу — ишга жиноятқорона қарашнинг ўзгинасидир.

Тўқимачилик саноати ҳақида бир неча мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Марказий Комитет ва Министрлар Совети тайёрлаган таклифлар ўртоқ Косигин докладида айтиб берилди. Бир вақтлар биз маблағларнинг деярлик ҳаммасини оғир саноатни ривожлантиришга сарфлар эдик. Шундай қилиш мутлақо тўғри эди. Ҳозир ҳам оғир саноат енгил саноатга қараганда илдам ривожлантирилиши лозим, планда ҳам бу нарса кўзда тутилган. Ҳозир биз оғир саноатга зарар етказмай, енгил саноатни ривожлантиришимиз мумкин, истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган саноатни ривожлантиришимиз мумкин. Кимё саноатини тағин ҳам тезроқ ривожлантириш керак. Эҳтимолки, кимё ускуналари ишлаб чиқараётган, кимёни ривожлантириш устида иш олиб бораётган корхоналарда, муассасаларда ва Халқ хўжалиги кенгашларида ёрдам комиссиялари тузиш керакдир.

Янги иш ўзига алоҳида эътибор берилишини талаб қилади. Ускуналар ўз вақтида тайёрланишини, юқори сифатли бўлишини, заказлар муайян муддатларда бажарилишини кузатиб турадиган одамларни белгилаб қўйиш керак. Агар Халқ хўжалиги кенгашлари шартномаларда кўрсатилган муддатларга риоя қилмасалар, у ҳолда мўлжаллаб қўйилган объектларни ишга туширолмаймиз. Бир Халқ хўжалиги кенгаши детални етказиб бермаса, иккинчи Халқ хўжалиги кенгаши шу деталларсиз машинани йиғиб ишга туширолмайди. Пухта уюшқоқлик билан ишлаш, масъулиятли бўлиш — яхши ишлашнинг қонунларидир. Марказий Комитетда бир группа кишиларни ажратиб қўйиб, кимёни жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорларнинг бажарилишини доим кузатиб боришни шу кишиларга топшириш керак.

Мамлакатимиз кўпгина кимёвий маҳсулотлар олмоқда. Бу маҳсулотларни қайта ишлаш, улардан газламалар ва бошқа нарсалар ясаш керак. Шу мақсадлар учун тўқимачилик ускуналари сотиб олинса арзийди. Ҳозир биз машиналарнинг янги нусхаларини чет мамлакатлардан сотиб олмоқдамиз, лекин ўзимизнинг ихтирочиларимиз ясаб берган машиналарни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий қилиш керак. Янги нусхаларнинг ҳаммасидан фойдаланиш керак. Чехословакияда, Германия Демократик Республикасида кимё соҳасида кўп ишлар қилинган, уларнинг тажрибаларидан фойдалансак арзийди.

Замонавий фабрикалар қуриш керак, эски фабрикалардаги ускуналарни эса, алмаштириш керак. Ўртоқ Косигин бизда вентиляция ўрнатилиб, ҳавонинг ҳароратини бир меёрда сақлаб турадиган, яхши сунъий ёруғ берувчи чироқлар ўрнатилган, тежамли қилиб қурилган фабрика борлигини айтиб ўтди. Бу фабрика эски лойиҳалар асосида қураётган фабрикаларимизга қараганда, арзонга тушибди. Москвада ҳам шундай фабрикани тезроқ қуриб битказмоқчимиз, токи халқ хўжалиги кенгашлари бу фабрикадан ўзларига ўрнак оладиган бўлсинлар. Чет мамлакатларда фабрика биноларини қуришда эски конструкциялардан воз кечдилар ва шунинг учун ҳам маблағ сарфлашда ҳам, объектларни ишга тушириш муддатларини қисқартиришда ҳам бир талай фойда кўрмоқдалар.

Капитал маблағларни концентрациялашнинг аҳамияти тўғрисида неча марталаб гапириб ўтдим. Маблағларни кўп объектларга сочиб юбориш бизда ҳали ҳам давом қилмоқда, янги корхоналарни тезроқ ишга тушириб, улардан тезроқ маҳсулот олиш тўғрисида етарли равишда ғамхўрлик қилинмаётир. Қурилаётган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлайдиган чораларни кўриш зарур. Қурилиш муддатларини саккиз-ўн йилга чўзиб юбориш ярамайди.

Ҳатто, баъзи бир қурилишни бирмунча кейинга қолдириш яхшироқдир, чунки кўп объектларни қура бошлашимиз асло шу объектлардан кўп маҳсулот олишимизни билдирмайди, буни исботлашнинг ҳожати йўқ. Бизда кўпинча қурилиш чўзилиб кетади ,шунинг учун ҳам шу объектларнинг маҳсулот бериш муддати чўзилиб кетади. Бу оқилона иш эмас. Капиталистлар бу тахлитда ишлай олмайдилар, чунки дарров синадилар, биз бўлсак, бир заводни баъзан 10-15 йил қурамиз ва жуда унумсиз ишлаётган аппаратни сақлаш учун пул сарф қила берамиз. Бу — бемаъниликдир.

Бунда маҳаллийчиликнинг таъсири кўриниб турибди, чунки ҳар бир ташкилот қурилиш бошлашга интилади: сал бошлаб қўйсак бас, келаси йили пулни кўпроқ ундириб беришади, деб ўйлайди. Биляпсизми биз кимнинг пулини юлиб олаётирмиз? Бунақа бошлиқларнинг қулоғидан тортиб ҳаммага кўрсатиб қўйиш керак, чунки бунақа бошлиқлар уерда бир бинони бошлаб, бу ерда бир бинони бошлаб қўядилар-у, аммо, бундан мамлакатга ҳеч қандай фойда йўқ. Бунақа ҳодисаларга нисбатан қаттиққўллик бўлиш керак, чунки бундай ҳодисалар бизнинг хўжалигимизга зарар етказмоқда.

Баъзи объектларни кейин икки йилда битказиб олмоқ учун, уларнинг қурилишини 3—5 йил тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқроқдир. Шуни унутмаслик керакки, қурилишни бошлаганимизда, унинг қачон тугалланишини, шу қурилишнинг жуда яқин ва конкрет муддатларда қуриб битказилишини кўзда тутишимиз лозим. Агар биз қурилишни тезроқ битказиш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини тайёрлаб қўймай, қурилишга пул бера бошлайдиган бўлсак, бундай қурилишни бошламаган яхшироқ.

Бу ерда ўртоқ Димшиц сўзга чиқиб, Ҳиндистондаги Бхилаи металлургия заводини қуриш тажрибаларини гапириб берди. Бизнинг лойиҳачиларимиз бу металлургия заводининг лойиҳасини бир ярим-икки йил ичида тузиб бўлдилар, сўнгра, бизнинг мутахассисларимиз ҳиндлар билан яқин ҳамкорликда ишлаб, заводни қисқа муддат ичида қуриб битказдилар. Бизнинг бинокорларимиз Украинада катта-катта домна печларини олти ой ичида қуриб битказмоқдалар. Мартен печлари ва бошқа катта объектлар ҳам бундан кўра қисқароқ муддатларда қуриб битказилди. Бизнинг бинокорларимиз энг муҳим ишлаб чиқариш объектларини тез ва жуда яхши қура олишларини кўрсатувчи кўпгина яхши мисолларни келтириш мумкин.

Ҳамма нарса пухта ўйланиб, тайёрланиб, тахт қилиб қўйилган бўлса, ишчилар жуда унумли ишлайдилар, бинокорлар коллективи анча иноқлик, уюшқоқлик билан ишлаб, қурилишни тез суръатлар билан битказади. Биз ишни мана шу тахлитда ташкил қилишимиз керак.

Энди мен рангли металларни тежаш тўғрисида гапирмоқчиман. Биз бу масалага эътиборни сусайтириб қўйдик, ваҳоланки, давлат, масалан, халқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун жуда зарур бўлган мис сотиб олиш учун бир талай олтин тўламоқда. Лекин кўпинча бу мисдан ҳар хил бемаъни нарсалар ясамоқдалар, Госплан эса, уларни ишлаб чиқаришни планлаштирмоқда. Ваҳоланки, ҳозир мисдан ишлаб чиқарилаётган нарсаларнинг кўпини пластмассадан, алюминийдан ва камроқ дефицит бўлган бошқа материаллардан ясаш мумкин. Дефицит материал бўлган рангли металларни ишлатишни чеклаб қўйиш, бунинг устидан қаттиқроқ назорат ўрнатиш керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ясаш учун зарар етказмаган ҳолда рангли металл ўрнига бошқа материаллар ишлатиш мумкин бўлган жойларда дефицит рангли металларнинг сарфланишига йўл қўймайдиган жонкуяр назоратчилар бўлиш — партия ташкилотларининг вазифасидир.

## Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан жамоат назоратини бутун чоралар билан кучайтирайлик

Ўртоқлар! Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаш масаласи марказий масаладир, бу масала Пленумимизда асосий масала бўлиб турипти. Бу масалани ҳар бир корхона ёки ҳар бир қурилишда меҳнат тўғри ташкил этилган тақдирдагина яхши ҳал этиш мумкин. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш учун ишчиларнинг меҳнатини юксак даражада уюштириш талаб этилади. Аммо бир қанча корхоналарда меҳнатни ташкил этишда ғоят жиддий камчиликлар бор.

Ишчиларни шу тариқа тарбияламоқ керакки, кишилар ўз бурчларини жуда яхши англаб ишласинлар, меҳнатлари жуда унумли бўлсин, кишилар ўз иш кунларидан баракали фойдаланишга интилсинлар. Ишлашга ажратилган соатларда унумли меҳнат қилинсин. Ишлаб чиқаришда виждонсиз ходимларга нисбатан ҳеч тоқат қилиб бўлмайдиган муҳит ҳукм суриши лозим. Бирор ишчи ишламай лақиллаб юрса, унга: сен ҳалол меҳнат қилаётган ўз қўшнинг — ишчи ҳисобига яшамоқдасан, деб ошкора айтиш касбдошларининг бурчидир.

Корхоналаримизда исрофгарчиликка, бўшангликка, интизомсизликка қарши, прогулчилар ва дангасаларга қарши қатъий кураш олиб бориш зарур.

Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш меҳнатни юксак даражада ташкил этишни кўзда тутади. Ҳар бир меҳнаткаш иш нормаларини бажариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш учун юксак жавобгарликни ҳис этмоғи керак. Хўжалик бошдан охиригача рационал олиб борилган тақдирда, фаннинг тараққиёти, конструктив фикр янги, серунум агрегатлар, станокларнинг вужудга келтирилишини, поток линияларнинг кенг жорий қилинишини, кўпгина ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштиришни таъминлаган чоқда ҳам киши биринчи ўринда туради, уюшқоқлик билан пухта ишлаш унга боғлиқ бўлади. Ҳамма нарса, пировардида кишига боғлиқ бўлади, чунки автомат линияга хизмат кўрсатадиган бир киши интизомсиз бўлса, бундай ходим ишлаб чиқаришга жуда катта зарар етказади, бундай ходим айрим станокда ишлаганида келтирадиган зарардан ҳам анча кўп зарар етказади. Биз бу фикрни кишиларнинг онгига қуймоғимиз лозим.

Бинобарин, аввало намунали интизом бўлмоғи керак. Меҳнаткашларни коммунистик онглилик руҳида тарбияламоқ зарур. Бу Пленумда ишчилар, ишлаб чиқаришнинг ажойиб новаторлари сўзга чиқдилар. Бизда бундай кишилар — ёшлар, комсомоллар, партия аъзолари ва партиясизлар миллионларчадир. Кишилар билан ҳамиша ишлаш керак, бу соҳада партия ташкилотларимиз, касаба союзлари, комсомол олдида катта вазифалар турипти. Ҳозирги шароитда умумий ишимизни рўёбга чиқаришда уларнинг жавобгарлиги бениҳоя ошди, уларнинг ишини эса анча яхшилаш керак.

Ўртоқлар! Партия кейинги йилларда саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш, қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш, иттифоқчи республикалар ва маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш соҳасида бир қанча катта тадбирларни амалга оширди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси бошқариш ишида демократик централизмнинг ленинча принципини янада мустаҳкамлашга, омманинг ижодий ташаббуси ва активлигини ҳар томонлама кучайтиришга, хўжаликнинг барча тармоқларини янада юксалтириш, халқнинг фаровонлиги ва маданиятини доимо ўстириш учун жуда катта резервлардан тўлароқ фойдаланишга ёрдам берди. Бу тадбирлар коммунистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

(Охири тўртинчи бетда)

